**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

| | |
|---|---|
| "ТАСДИҚЛАЙМАН" | "КЕЛИШИЛДИ" |
| ЎзМУ ректори | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги |
| ________________ | ________________ |
| 2018 йил "19" 06 | 2018 йил "1" 10 |
| | Рўйхатга олинди: № БД ________ |
| | 2018 йил "17" 08 |

# УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ ВА ПЕДАГОГИКА ФАН ДАСТУРИ

**(барча бакалавриат таълим йўналишлари учун)**

**ТОШКЕНТ – 2018**

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил "17" 08 даги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил "4" 10 даги 892 - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

**Тузувчилар:**

А.Д.Аскаров – ЎзМУ, Педагогика кафедраси мудири, PhD

Ш.А.Абдуллаева – ЎзМУ, Педагогика кафедраси профессори, п.ф.д.

З.Б.Ахрарова – ЎзМУ, Педагогика кафедраси доценти, п.ф.н.

Н.М.Далимова – ЎзМУ, Психология кафедраси доценти, пс.ф.н.

Д.Б.Ҳакимова – ЎзМУ, Психология кафедраси доценти, пс.ф.н.

Х.У.Абдусаматов – ЎзМУ, Психология кафедраси ўқитувчиси

**Тақризчилар:**

Ш.Қ.Мардонов – Чирчиқ давлат педагогика институти Педагогика ва психология факультети декани, педагогика фанлари доктори, профессор.

Х.Ж.Худойқулов – ЎзМУ, Педагогика кафедраси профессори в.б., п.ф.д.

Л.З. Султанова – МДУ Тошкентдаги филиали, Психология кафедраси доценти, пс.ф.н.

Д.И.Ильхамова – ЎзМУ, Психология кафедраси доценти, пс.ф.н.

Фан дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018-йил "___" _____даги "__" -сонли баённома)

## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Мазкур фан олий таълим муассасалари талабаларида касбий-педагогик компетентликни шакллантиришга йўналтирилган. Фаннинг мазмуни орқали бўлғуси мутахассисларни илм-фан, техника ва технология соҳаларида эришилаётган ютуқлар, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тайёрлашни, малакали кадр сифатида педагогик маданиятни ривожлантириш, ўқув-тарбиявий фаолиятни тўғри ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш каби кўникмаларини шакллантиришга қаратилган.

Умумий педагогика фани бакалавриат босқичининг умумкасбий фанлар блокидан ўрин эгаллаб 2-3-курсларда ўқитилиши мақсадга мувофиқ. Умумий педагогика фани ижтимоий-гуманитар фанлар туркумига киради ва барча нопедагогик бакалавриат таълим йўналишларда ўқитилади. Ушбу фан педагогик туркумга кирувчи фанларнинг назарий ва услубий асоси бўлиб, ўз ривожида табиий ва ижтимоий-гуманитар фанлар учун замин бўлиб хизмат қилади.

"Умумий психология" фани бўйича тузилган дастур талабаларнинг олам, жамият ва инсоннинг ўрганиши психологик билимларга заруратнинг мавжудлиги, уларнинг дунёқарашини бойитиш ва ривожлантиришда психологик қонуниятларни ўрганишга эҳтиёжининг борлиги, инсон психологиясининг умумий психологик қонуниятларини, шахс ва воқелик, шахс ва жамият, шахс ва предметлар олами орасидаги муносабат, воқеликни англаши, оламни психологик таҳлили, психологик ҳодисаларнинг кечиши, психологиянинг тарихий ва назарий ролини жамиятда олиб борилаётган ишлар орқали амалга оширишга қаратилгандир. Бу курснинг асосий вазифаси талабаларда умумпсихологик билимларни шакллантиришдир. Умумий психология бошқа фанларни ўқитишда асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

**Фанни ўқитишдан мақсад** (педагогик жиҳатдан) – бўлғуси мутахассисларни замонавий педагогика фанининг назарий асослари билан қуроллантириш, баркамол шахсни шакллантириш, педагогик фаолият мазмуни, инновацион педагогик технологиялар билан таништириш орқали талабаларда педагогик тафаккурни, ижодий фикрлашни, педагогик жараёнда муваффақиятга эришишни, маънавий-ахлоқий тарбиялашда педагогик ғояларни, Шарқ мутафаккирларининг педагогик қарашларини амалиётга мақсадли тадбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларда назарий билимлар, амалий кўникмалар, педагогик ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифасини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- умумий педагогика фанининг методологияси, илмий-тадқиқот методлари ва тадқиқот объектлари, тарихи ва замонавий педагогиканинг асосий йўналишлари, илғор педагогик қарашлар, жаҳон таълим тизими, Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги сиёсати, Кадрлар тайёрлаш миллий

дастури ва миллий модели, таълим ва тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари, бирлиги, таълим назарияси (дидактика) нинг асосий компонентлари: концепциялари, парадигмалари, таълим принциплари, методлари, технологиялари; тарбия назариясининг моҳияти, тарбия мазмуни, принциплари, тарбия методлари ва технологиялари; махсус педагогиканинг ўзига хос хусусиятлари, жамоада, оиладаги тарбия ҳамда ўз–ўзини тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятлари, таълим ва тарбия тўғрисида Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг қарашларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

- педагогик фаолиятни режалаштириш, таълим муассасаларида ўқитиш ва тарбиялашнинг замонавий метод ва технологияларини қўллаш, ўқувчи шахсини рағбатлантириш, унинг фаолиятини назорат қилиш, истеъдоди, иқтидорини рўёбга чиқариш учун тадбирлар ишлаб чиқиш, ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш, ота–оналар, жамоа, ўқувчилар билан якка ва гуруҳ бўлиб ишлаш, ўқувчилар жамоасини бошқариш, педагогик техника ва маданиятни муайян тизимга солиш ва уни ўзида шакллантириш, педагогик такт сингари ***кўникмаларга эга бўлиши лозим.***

- танланган метод ва технологияларни тадбиқ қилишда ижтимоий муҳит ва вазиятни тўғри баҳолай олиш, таълим-тарбия жараёнида тегишли иродавий сифатларни намойиш қилиш, сабр-тоқат, қатъиятлилик, жавобгарликни ҳис қилиш, муаммоли вазиятдан тўғри чиқиб кета олиш, педагогик жараёнда низоларни олдини олиш, ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олиш, педагогик назокати ва одобини такомиллаштириб бориш, ўз меҳнатини расмий ва ижодий ташкил эта олиш, ўзининг касбий ва педагогик маҳоратини мунтазам ошириб бориш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва ўз фаолиятига сингдириш каби ***малакаларга эга бўлиши лозим.***

**Ўқув фанининг психологик жиҳатдан мақсади** талабаларда умумий психологик билимларни шакллантириш, воқелик ва жамиятдаги воқеа-ҳодисаларнинг, шахсни ўзида кечадиган жараёнлар ва психологик билимларни шакллантириш, уларни жамият ҳаётида умумий психологик ҳодисалар, ҳолатлар ва жараёнларнинг моҳиятини таҳлил этишга, шахснинг камолоти ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар, унинг индивидуал психологик хусусиятлари, эмоционал ва иродавий сифатларини таҳлил этишга ўргатишдан иборат. Талабаларни ёш ва педагогик психология фанининг назарий асослари ва инсон тараққиёти қонуниятларини тадқиқ этиш учун амалий материаллар билан қуроллантириш.

Фанни ўқитишнинг психологик жиҳатдан вазифалари қуйидагиларни ҳал этишга қаратилган:

-инсон руҳиятини психологик таҳлил этиш;

-умумий психология фанининг жамият ва шахс камолотидаги ўрнини талабаларга тушунтириш;

-воқеа ва ҳодисаларни психологик нуктаи назардан таҳлил ва тадқиқ этиш малакасини ҳосил этиш;

-инсон психологиясини умумий илмий асосларини ўргатишни;

-жамият ва шахс орасидаги муносабатнинг психологик қонуниятлари асосида ривожлантиришни;

-умумий психология фани бўлимлари бўйича (психиканинг эволюцион тараққиёти, шахс психологияси, ирода психологияси, сезги ва идрок, диққат ва хотира, тафаккур ва нутқ) психологик билимларни таҳлил этиш, уларнинг

қонуниятларини машғулот жараёнида таҳлил этиш хусусиятларини шакллантиришдан иборатдир.

Бакалавр талаба психологиянинг табиий ва ижтимоий фан сифатида талқин қилиниши, психологиянинг соҳалари, психология ва фалсафанинг ўзаро алоқаси, психология ва илмий – техник тараққиёти, педагог фаолиятида психологиянинг етакчи аҳамиятга эга эканлиги *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

–психика ва онг муносабати, психологиянинг ўрганиш методлари, фаолият ва мотивлар, психиканинг онтогенездаги тараққиёти, юксак психик функцияларнинг таркиб топиши, шахс фаолияти, мулоқат ва унинг кўп мақомли характери, психик жараёнлар ва шахснинг индивидуал хусусиятларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

–шахснинг психологик хусусиятларини ўрганувчи методлар, педагогик жараённи бошқариш, ўқув экспериментлар ўтказиш, шахс (ўқувчи) психикасининг ўзига хос хусусиятларини кузатиш, ўқув жараёнида турли анкета ва бошқа усулларни қўллай олиш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***

Талаба олган билимларидан келгуси фаолиятида шахснинг психологиясига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича экспериментлар ўтказиш, инсоннинг ривожланиш босқичларидаги психологик хусусиятлари, улардаги турли жараёнлар бўйича маслаҳатлар олиб бориш, педагогик фаолиятда ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари, улардаги турли жараёнлар бўйича маслаҳатлар олиб бориш, умумий психология бўйича олиб борилган эксперимент ва кузатувларни расмийлаштиришда фойдаланади.

## III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

## 1-ҚИСМ. ПЕДАГОГИКА

## 1-Модул: ПЕДАГОГИКАНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

### 1-мавзу: Педагогика фани предмети ва вазифалари. Педагогиканинг методологияси ва тадқиқот методлари.

Педагогика - ижтимоий фан сифатида. Педагогиканинг ривожланиш босқичлари. Педагогиканинг объекти, предмети, мақсади ва вазифалари. Педагогиканинг асосий категориялари ва тушунчалари.

Педагогика фанининг тузилиши. Педагогик жараён. Педагогик технология. Педагогик фанлар тизими. Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси.

Педагогиканинг методологик муаммолари. Педагогиканинг методологик асослари. Педагогнинг методологик маданияти.

Педагогик тадқиқот методларининг ўзига хослиги. Педагогика фанининг илмий-тадқиқот методлари ва уларнинг тавсифи.

### 2-мавзу: Шахс ривожланишининг умумий қонуниятлари.

Педагогик антропология. Шахс ҳақида тушунча. Шахснинг ривожланиш жараёни. Шахснинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг тавсифи. Биологик ва ижтимоий омиллар. Таълим, тарбия ва ривожланиш. Фаолият - ривожланишнинг омили сифатида.

Шахс ривожланиши ҳақидаги назариялар.

Шахс ривожланишида ёш ва индивидуал хусусиятлар. Ёш хусусиятларига кўра даврларга бўлиниши. Акселерация назарияси.

Шахснинг ижтимоийлашув жараёни.

## 2-Модул: ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ

### 3-мавзу: Антик даврдан VII асргача бўлган даврда тарбия.Шарқ уйғониш даврида фан ва педагогик фикрлар.

Дастлабки ижтимоий-иқтисодий формацияларда таълим ва тарбиянинг ўрни. Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида тарбия ва мактаб. Қадимги юнон файласуфлари таълимоти.

Халқ оғзаки ижодида тарбияга оид масалаларнинг ифодаланиши. “Авесто” – кўхна маърифий ёдгорлик. Ўрхун-Энасой ёдгорликлари ва уларнинг маърифий аҳамияти.

Шарқ уйғониш даврида таълим-тарбия тараққиёти. Шарқ уйғониш даври алломаларининг (Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино) илмий мероси ва дидактик қарашлари. Ал-Форобийнинг ижтимоий-педагогик қарашлари ва илмий- педагогик меросининг аҳамияти.

### 4-мавзу: XIV асрдан XX асрнинг 90-йилларигача бўлган даврда тарбия, мактаб ва таълим тизими.

Темурийлар даврида илм-фан, таълим-тарбиянинг равнақ топиши. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Жалолиддий Давоний, Ҳусайн Воиз Кошифийларнинг таълимий-аҳлоқий мерослари.

Ғарб Уйғониш даврида таълим-тарбия ва педагогик фикрлар тараққиёти. Я.А. Коменскийнинг педагогик тизими.

Туркистонда жадидчилик ҳаракати. Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёҳуд ахлоқ” асари ва унинг таълимий-тарбиявий аҳамияти.

XIX-XX асрнинг бошларида Ғарбий Европа педагогик фикрларида “эркин тарбия”назариясининг ривожланиши. XIX асрнинг иккинчи ярмида Россияда ижтимоий педагогиканинг ривожланиши.

Собиқ Шўро даврида Ўзбекистонда таълим тизими ва педагогика. Олий таълимнинг шаклланиши ва кадрлар тайёрлаш муаммолари.

### 5-мавзу: Иқтисодий ривожланган давлатларда ва Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими.

Иқтисодий ривожланган давлатларда таълим-тарбия, мактаб ва маориф тараққиётининг асосий йўналишлари. АҚШда таълим тизимининг тузилиши.

Японияда таълим тизими. Францияда таълим тизими. Германияда таълим тизимининг ривожланиши.

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг мазмуни ва уни акс эттирувчи ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизими. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари.

Ривожланган хорижий давлатлар ва мустақил Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги ўзаро уйғунлик масалалари.

## 3-Модул: ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ

### 6-мавзу: Тарбия жараёни моҳияти ва тарбия принциплари.

Тарбия жараёнининг моҳияти. Тарбиянинг мақсади ва вазифалари. Шарқ мутафаккирлари комил инсон тарбияси ҳақида. Тарбия жараёни ва унинг ўзига хослиги. Ўз-ўзини тарбиялаш, қайта тарбиялаш тушунчалари. Тарбиячи шахси.

Замонавий жамиятда баркамол шахсни, малакали мутахассисни тарбиялашнинг ижтимоий аҳамияти ҳақида.

Тарбия жараёни қонуниятлари. Тарбия принциплари. Тарбия принципларига қўйиладиган талаблар.

Тарбия технологияси тушунчаси. Ҳамкорлик педагогикаси. Инсонпарварлик технологияси. Тарбиячи маҳорати. Тарбия методларини қўллаш. Тарбиявий муҳит тушунчаси.

### 7-мавзу: Тарбия методлари ва воситалари.

Тарбия методлари тушунчаси ва уларнинг тарбия жараёндаги ўрни. Халқ педагогикасида тарбия методларидан фойдаланиш. Шарқ алломаларининг тарбия методлари ҳақидаги фикрлари.

Тарбия методлари классификацияси. Шахс онгини шакллантирувчи методлар. Шахс фаолиятини ташкил этиш методлари. Шахс фаолияти, хулқини рағбатлантириш ва жазолаш методлари. Ўз-ўзини тарбиялаш методлари. Тарбия усуллари ва воситалари. Тарбия методларини танлаш асослари.

Тарбияланганликни ташхис қилиш. Тарбияланганликни аниқлаш мезонлари. Тарбияланганлик даражасини аниқлашда тарбиячи шахсининг ўрни. Тарбияланганликни аниқлаш методлари: оммавий, анъанавий ва диагностик.

### 8-мавзу: Тарбия турлари ва мазмуни.

Тарбия турлари. Шарқ мутафаккирларининг тарбия турлари ҳақидаги фикрлари ва уларнинг ҳозирги шароитда шахсни камол топтиришдаги аҳамияти.

Маънавий-ахлоқий тарбия методлари ва воситалари. Жинсий тарбиянинг мақсади, вазифалари, мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари.

Ақлий тарбияни ташкил этиш шакллари, метод ва воситалари. Илмий дунёқарашни шакллантириш вазифалари ва методлари. Экологик тарбия – ўқувчилар дунёқарашини шакллантиришнинг таркибий қисми сифатида.

Меҳнат тарбиясининг шакллари, методлари ва воситалари. Иқтисодий ислоҳотлар шароитида ўқувчиларни иқтисодий тарбиялаш мазмуни, вазифалари ва методлари.

Фуқаролик тарбиясининг ташкилий шакллари, методлари ва воситалари. Ватанпарварлик тарбияси. Ҳуқуқий тарбиянинг мақсади, мазмуни ва методлари. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш.

Жисмоний тарбиянинг мазмуни ва методлари. Эстетик тарбиянинг мазмуни, шакл ва методлари.

Тарбия турлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Оилада тарбия турларини ташкил этиш.

**9-мавзу: Ўқувчилар жамоаси – педагогик жараённинг асосий шакли.**

Жамоа ҳақида тушунча. Шарқ мутафаккирлари жамоа ва унинг шахсга таъсири тўғрисида. Жамоанинг педагогик вазифалари. Жамоанинг турлари ва муҳим белгилари. Шахснинг жамоада таркиб топиши.

Ўқувчилар жамоасининг шахс ривожланишидаги ўрни. Ўқувчилар жамоаси – педагогик жараённинг асосий шакли сифатида. Ўқувчилар жамоасининг асосий белгилари ва шаклланиш босқичлари. Ўқувчи ёшлар уюшмаларига педагогик раҳбарлик.

**10-мавзу: Оила – шахс тарбиясининг субъекти сифатида.**

Шахс тарбияси ва ижтимоийлашувида оиланинг ўрни. Шарқ мутафаккирлари (Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф хос Хожиб, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний ва бошқалар) оила тарбияси ҳақида.
Оиланинг тарбиявий вазифалари. Оила тарбиясининг ҳуқуқий асослари. "Оила кодекси". Оиланинг ҳозирги даврдаги муаммолари. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний анъаналардан фойдаланиш.

Оилада ўқувчилар ҳаётини ташкил этиш. Ота-онанинг фарзанд олдидаги ва фарзанднинг ота-она олдидаги бурчлари. Оила тарбиясидаги низоларни бартараф этиш технологиялари.

Оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги.

## 4-Модул: ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ

**11-мавзу: Дидактика – ўқитиш назарияси сифатида.**

Дидактика тушунчасининг моҳияти. Дидактиканинг мақсади ва вазифалари. Дидактиканинг асосий тушунчалари. Таълим парадигмалари. Шахсга йўналтирилган таълим.

Таълим жараёни моҳияти. Таълим жараёнининг қонуниятлари. Таълим жараёнининг принциплари. Таълим принципларининг гуруҳланиши.

Таълим мазмуни. Давлат таълим стандартлари. Таълим мазмунини белгилашнинг етакчи ғоялари. Таълим мазмунини шакллантириш принциплари. Таълим мазмунида миллий ва жаҳон тажрибаларини мувофиқлаштириш. Давлат таълим стандартлари. Умумий ўрта давлат таълим стандарти. Ўрта махсус ва

касб-ҳунар давлат таълим стандарти. Ўқув режа, ўқув дастур ва дарсликлар тавсифи. Ўқув режалари, дастурлари ва дарсликларни яратишга замонавий ёндашув.

**12-мавзу: Таълимни ташкил этиш турлари ва шакллари.**

Дидактик тизим. Таълим турлари. Анъанавий, муаммоли, дастурлаштирилган таълим турлари. Компьютер ёрдамида ўқитиш.

Таълимни ташкил этиш шакллари ҳақида тушунча. Таълимни ташкил этишнинг анъанавий шакли. Дарс – ўқитишнинг асосий ташкилий шакли. Дарсга қўйиладиган талаблар. Дарс турлари ва тузилиши. Ҳозирги кунда дарсларни модернизациялаш йўллари. Дарсда ўқувчилар ўқув фаолиятини уйғунлаштириш. Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги. Дарснинг режа-конспекти. Дарснинг технологик харитаси.

Таълимнинг бошқа ташкилий шакллари: уй вазифаси, фан тўгараклари, ўқув саёҳати, амалиёт ва бошқалар. Таълимни ташкил этишнинг ноанъанавий шакллари.

**13-мавзу: Таълим методлари ва воситалари.**

Таълим методлари тушунчаси. Анъанавий ўқитиш методлари классификацияси. Таълимда инновацион методлар. Интерактив дарс шакллари, методлари ва воситалари.

Таълим методларини танлашга қўйиладиган талаблар.

Таълимнинг замонавий воситалари. Таълим кўргазмали ва техник воситалар. Техник воситаларга қўйиладиган дидактик талаблар. Таълим воситаларининг функциялари.

Таълимни ташхис этиш. Ўзлаштиришни назорат қилиш принциплари. Ўзлаштиришни текшириш босқичлари. Педагогик жараёнда билимларни назорат қилиш функциялари ва шакллари. Ўқувчилар билимини назорат қилиш турлари ва методлари.

Ўқувчилар ўзлаштириши ва билим сифатини баҳолашнинг рейтинг тизими. Педагогик тестлар. Билимларни тест усулида баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари.

## 5-Модул: ПЕДАГОГИКАНИНГ ДОЛЗАРБ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**14-мавзу: Коррекцион (махсус) педагогика.**

Коррекцион педагогика - педагогика фанининг тармоғи сифатида. Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонунда жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш.

Коррекцион педагогиканинг ривожланиш тарихи. Коррекцион педагогиканинг асосий вазифалари, категориялари.

Аномал болалар ва уларни классификациялаш. Аномал болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишларнинг асосий йўналишлари.

Ақлий ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларни ўқитиш. Руҳий ривожланиши ортда қолган болалар билан ўтказиладиган коррекцион ишлар.

Нуткида нуксон бўлган ўқувчиларни коррекцион ўқитиш.

Эшитишда нуқсони бўлган болаларни ўқитиш.

Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар билан олиб бориладиган педагогик-коррекцион ишлар.

Таянч-харакати аъзоларида нуқсони бор болаларни ўқитиш ва тарбиялаш.

### 15-мавзу: Таълим менежменти.

Таълим менежменти тушунчаси. "Таълим тўғрисида"ги Қонунда таълим тизимини бошқариш. Таълимни бошқаришда ваколатли давлат органлари ва уларнинг ҳуқуқлари. Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ўрта таълим ҳақида"ги Низоми. "Академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ҳақида"ги Низом.

Мактаб – педагогик тизим ва бошқаришнинг объекти сифатида. Мактабни бошқариш принциплари. Мактабнинг ички бошқаруви, унинг тузилиши ва вазифалари. Педагогик Кенгаш ва унинг вазифалари. Услубий Кенгаш ва унинг вазифалари. Мактаб директорининг вазифалари.

Педагог кадрлар малакасини ошириш. Малака ошириш шакллари.
Педагог кадрлар аттестацияси. Мактабда ички назорат ва педагогик фаолиятни ташкил қилиш.

### 16-мавзу: Педагогик маҳорат асослари.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида ўқитувчи фаолияти мазмунига қўйиладиган талаблар. Ўқитувчининг умумий маданий савияси. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари ва уларнинг моҳияти. Педагогик билимлар. Педагогик заковат. Педагогик қобилият.

Педагогик мулоқот. Педагогик мулоқот услуби ва унинг тузилиши. Педагогик мулоқот услубларининг таснифи ва хусусиятлари. Педагогик низолар, уларни бартараф этиш технологиялари.

Педагогик фаолиятда ижодиёт ва инновация.

Педагогик техника тушунчаси. Педагогик техниканинг таркибий қисмлари. Нутқ – мулоқот воситаси эканлиги. Нутқ техникаси.

Ўз устида ишлаш – педагогик маҳоратни ривожлантиришнинг асосий шарти сифатида. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш.

***Изоҳ:*** *Мавзуларни маъруза машғулотлари учун ажратилган соатлар ҳажмига мос ҳолда фойдаланиш тавсия этилади.*

### IV. Семинар машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Умумий педагогика ўқув фанидан семинар машғулотларини ташкил этиш учун профессор-ўқитувчилар томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Семинар машғулотларида талабалар маъруза машғулотлари жараёнида ўзлаштирган назарий билим ва кўникмаларини амалий масалалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, семинар машғулотларида матнлар билан ишлаш асосида талабалар билимини мустаҳкамлаш, талабаларнинг қизиқишларига кўра айрим мавзулар бўйича илмий мақолалар ва тезислар нашр этиш, ўқув-

тарбиявий вазиятларни лойиҳалаштириш, ўқув фаолиятни ташкил қилиш, педагогик назорат ва таълим сифатини баҳолашга оид масалалар ечиш, айрим мавзулар бўйича кўргазмали воситалар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Семинар машғулотлари кичик гуруҳларда ишлаш, мустақил фикрни баён этиш ва гуруҳлар тақдимоти шаклида ўтказилса юқори самара беради.

**Семинар машғулотлари учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:**

1. Баркамол шахсни шакллантиришда педагогиканинг ўрни.
2. Педагогиканинг методологик муаммоси ва тадқиқот методлари.
3. Шахс ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашуви.
4. Ўзбекистон Республикасининг таълим турлари ва функциялари.
5. Антик даврдан VII асргача тарбия ва педагогик фикрлар.
6. Шарқ уйғониш даврида илм-фан ва педагогик фикрлар тараққиёти.
7. XIV аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар.
8. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида мактаб ва педагогик ғоялар.
9. 1917-1990 йилларда Ўзбекистонда халқ таълими.
10. Иқтисодий ривожланган давлатларда таълим тизими.
11. Тарбия жараёни моҳияти ва тарбия принциплари.
12. Тарбия жараёни қонуниятлари ва принциплари.
13. Тарбия методлари ва воситалари.
14. Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси.
15. Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш методлари ва воситалари.
16. Меҳнат ва касбий таълим ва тарбия.
17. Ўқувчиларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда тарбиянинг ўрни.
18. Шахс ривожланишида жисмоний ва эстетик тарбиянинг ўрни.
19. Шахс ривожланишида ўқувчилар жамоасининг ўрни.
20. Оила тарбиясининг педагогик асослари.
21. Тарбиявий ишларни лойиҳалаштириш.
22. Тарбияланганликни ташхис қилиш методикалари.
23. Таълим қонуниятлари ва принциплари.
24. Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими мазмуни.
25. Дарс – ўқитишнинг асосий шакли.
26. Таълим методлари ва воситалари.
27. Интерактив методлар ва уларнинг тавсифи.
28. Билимларни ўзлаштирганликни ташхис қилиш.
29. Коррекцион педагогика – фан сифатида.
30. Имконияти чекланган болалар билан олиб бориладиган педагогик коррекцион ишлар.
31. Таълим тизимини бошқаришнинг моҳияти.
32. Мактаб – бошқаришнинг объекти сифатида.
33. Педагог кадрлар аттестацияси.
34. Ўқитувчининг педагогик қобилиятлари.

***Изоҳ:*** *Мавзуларни семинар машғулотлари учун ажратилган соатлар ҳажмига мос ҳолда фойдаланиш тавсия этилади.*

## V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Умумий педагогика фанининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда мустақил ишлар қуйидаги шаклларда ташкил этилади: маъруза мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш; семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш, ўзлаштирилган билимларга таянган ҳолда муайян мавзулар юзасидан слайдлар тайёрлаш; тезис ва илмий мақолалар ёзиш; ўқув лойиҳалари, рефератлар, дарс ишланмаларини (технологик харита) тайёрлаш; талабаларни фан олимпиадасига тайёрлаш.

Педагогикадан мустақил ишларни бажаришда талабаларнинг фаоллигини оширишга қаратилган интерфаол методлар муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, талабаларни мустақил иш методларига ўргатишда ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўз-ўзига баҳо бериш кўникмасини ҳосил қилиш; талабаларни келгуси ўқув ёки касбий фаолиятида зарур бўладиган ва ўрганиши муҳим бўлган мавзуни асосли намойиш қилиш; ўқув предметига тегишли мавзуларни муаммоли баён қилиш; талабаларни ижодий фаолиятга йўналтириш, уларда таҳлил қилиш, мустақил ишлашга ва педагогик масалаларни ҳал этиш кўникмаларини шакллантириш; аниқ вазиятларни таҳлили, мураккаб саволлар юзасидан мунозара каби ўқитишнинг фаол методларини қўллаш ва бошқалар.

### Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг моҳияти.
2. "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"нинг мақсади.
3. Ижтимоий муҳитнинг шахс ривожланишига таъсири.
4. Шарқ мутафаккирлари таълим методлари ҳақида.
5. Таълимни ташкил этишнинг ноанъанавий шакллари.
6. Ўқитишда интерфаол методлар.
7. Ўқувчилар билимини ташхис этиш - дидактик тушунча сифатида.
8. Ўзбекистон Республикасида жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий ҳимояси.
9. "Авесто" даги педагогик қарашлар.
10. Ҳадисларнинг тарбиявий аҳамияти.
11. Шарқ алломаларининг педагогик қарашлари (Беруний, Форобий, Ибн Сино, Навоий).
12. Абу Наср Форобийнинг таълим-тарбиявий қарашлари.
13. Абу Райҳон Берунийнинг таълим-тарбиявий қарашлари.
14. Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарининг илмий, таълимий ва ахлоқий аҳамияти.
15. Кайковуснинг "Қобуснома" асарида баркамол инсон тарбиясида қўлланиладиган метод ва усулларининг ифодаланиши.
16. Маҳмуд Кошғарийнинг"Девони луғатит турк" асарининг моҳияти.
17. Мирзо Улуғбек меросининг жаҳон фани тараққиётида тутган ўрни.
18. Алишер Навоий асарларининг тарбиявий аҳамияти.
19. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг маърифий-педагогик фаолияти.

20. Мунаввар Қорининг маориф тизимидаги фаолияти.
21. Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ" асари.
22. Қадимги юнон файласуфларининг таълим-тарбия хақидаги фикрлари.
23. Ғарбий Европада мактаб, маориф ва педагогик фикрлар.
(Я. А.Коменский, Ж.Руссо, Г.Пестолоцци, А.Дистервег).
24. Германияда таълим тизими.
25. Японияда таълим тизими.
26. Ўзбекистонда таълимни ривожланиш истиқболлари.

***Изоҳ:*** *Мавзуларни мустақил таълим учун ажратилган соатлар ҳажмига мос ҳолда фойдаланиш тавсия этилади.*

## VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари


### Асосий адабиётлар:

1. Атаева Н., Расулова Ф., Хасанов С. Умумий педагогика. 1-китоб – Т., 2011
2. Атаева Н., Салаева М., Хасанов С. Умумий педагогика. 2-китоб – Т., 2013
3. Голованова Н.Ф. Общая педагогика. Учебное пособие. – М., 2005
4. Мавлонова Р. ва бошқалар. Педагогика. Дарслик. – Т., 2001
5. Педагогика. (М.Тўхтаходжаеванинг умумий таҳрири остида). Дарслик – Т., 2010
6. Подласый И.П. Педагогика. В 3-х частях. Учебник. – М., 2004
7. Педагогика и психология. /Под ред. А.А.Радугина – М., 2003
8. Сластенин В.А. Общая педагогика. – М., 2003
9. Селиванов В.А. Основы общей педагогики. – М., 2004.

### Қўшимча адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., 2011 Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни – Т., 1998
2. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонуни – Т., 1998
3. Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун. – Т., 2016
4. "2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракаталар стратегияси" – Т., 2017
5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. //Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // - Т., 2016
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.//Мамлакатимизни 2016 йилда иқтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза// – Т., 2017

7. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови //Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // - Т., 2017

8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., 2017

9. Ахророва З. Жадид педагогикаси асослари. Ўқув қўлланма. – Т., 2006

10. Кузьмина Н.В. Методы исследования педагогической деятельности. – Л., 1996

11. Педагогика тарихидан хрестоматия. (Тузувчи О.Ҳасанбоева). – Т., 1993

12. Холиқов А. Педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Т., 2010

13. Ҳасанбоев Ж., Сарибоев Ҳ., Ниёзов Г., Ҳасанбоева О., Усмонбоева М. Педагогика. Ўқув қўлланма. – Т., 2006

14. Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х., Хайдаров М., Хасанбоева О., Усмонов Н. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т., 2009

15. Ҳошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи. Дарслик. – Т., 2005

**Интернет ресурслари:**

1. http://www.ziyonet.uz
2. http://pedagog.uz
3. www.lex.uz
4. www.gov.uz

## 2-ҚИСМ. ПСИХОЛОГИЯ

## 1-Модул: ПСИХОЛОГИЯНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

### 1-мавзу: Психология фанининг тарихи, ривожланиши, йўналишлари.

Илмий психологиянинг ривожланиш тарихи. Психология предмети ҳақидаги тасаввурлар ривожланишининг асосий босқичлари. Психологиянинг фалсафа доирасида ривожланиши. Жонли ва жонсиз табиатда акс эттириш шакллари. Психик акс эттириш. Онглилик ва онгсизлик.

Умумий психология, шахс психологияси, ижтимоий психология, ёш ва педагогик психология, меҳнат психологияси, психофизиология, зоопсихология, муҳандислик психологияси, тиббиёт психологияси, ҳарбий психология, спорт психологияси, махсус психология (олигофрения, тифло, сурдо), дифференциал психология, юридик психология.

### 2-мавзу: Психологиянинг илмий тадқиқот методлари ва методологик асоси.

Кузатиш, суҳбат, инсон фаолияти маҳсулини таҳлил қилиш психологиянинг методлари сифатида. Интроспекциянинг психологик ҳолатни тадқиқ қилишга қодир эмаслиги. Психик жараёнларнинг шаклланиши ва ҳукм суришини текширишнинг объектив методлари. Психология фанининг замонавий методологик асослари.

## 2-модул: ШАХС ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

### 3-мавзу: Шахс ҳақида тушунча.

Шахсни ўрганишга турлича ёндашувлар. З.Фрейд ғояларида шахс структураси. Шахс психологияси, кўп қирралиги. Индивид, шахс, индивидуаллик. Шахснинг турли фанлар нуқтаи назаридан ўрганилиши. Шахс муаммоси ва фаннинг методологик даражалари. Шахсга нисбатан эволюцион тарихий ва тизимли ёндашув. Шахснинг психик ривожланишини табақалаштириш схемаси (Д.Б.Эльконин). Инсон табиатини эволюцион жиҳатдан тадқиқ этиш. Муҳит, шахс ривожланиши. Психологиянинг турли йўналишларидаги ривожланиш ҳақидаги тасаввурлар. Ҳаёт тарзи, инсон индивидуал хусусиятлари, ҳамкорлик фаолияти-шахс ривожланишининг асослари.

### 4-мавзу. Фаолият ва унинг тузилиши.

Фаолият тузилиши психологик хусусиятларини тадқиқ этиш. Фаолият предметлилиги. Ички ва ташқи фаолият. Ориентирланган ва бажарувчи фаолият, индивидуал ва хамкор, ижодий ва ижодсиз фаолият. Шахс ривожланишини ҳаракатлантирувчи кучлар. Фаолият ривожланиши принципи. Фаолият тизимидаги қарама-қаршилик шахс ривожланишини ҳаракатлантирувчи куч сифатида. Шахс хулқ-атворида ўзаро ривожланиш манбаи. Шахс ривожланиши жараёнида фаолият, ҳал қилувчи тушунча эканлиги. Мотивацион эҳтиёж ва интеллектуал билиш соҳалар орасидаги қарама-қаршиликлар. Ички ва ташқи мотивацияларнинг умумий тавсифи. Ички мотивациянинг таркиб топишида болаликнинг аҳамияти. Мотивнинг ривожланиш босқичлари.

## 3-модул: ПСИХИК ЖАРАЁНЛАР

### 5-мавзу: Сезги психик жараёнларнинг бошланғич ҳолати эканлиги.

Тери туюшнинг уч компоненти (сезиш, ҳароратни сезиш, оғриқни сезиш). Тери туюшнинг мураккаб шакллари ва сезиш идроки. Сезиш ва ҳаракатни сезишни ўрни. Сезиш образининг пайдо бўлиш фазалари. Образларни билиш ва кўришда информацион кўринишлар. Сезишнинг физиологик механизмлари. Эшитишнинг физиологик ва нейрофизиологик асослари. Эшитиш идрокининг мураккаб формалари. Кўриш анализаторининг тузилиши. Кўриш анализаторининг йўллари. Кўриш анализаторининг марказий аппарати. Бирламчи ва иккиламчи кўриш пўстлоқлари. Сезгиларни сигналли акс эттириши. Адаптацияни вужудга келиши. Адаптациянинг периферик ва марказий механизмлари.

### 6-мавзу: Идрок мураккаб психик жараён сифатида.

Идрокнинг ассоциатив назарияси. Нативизм ва эмпиризм. Гештальт психологияда идрок. Гибсоннинг идрок назарияси. Хебнинг идрок назарияси.

Пиаженинг идрок назарияси. Перцептив фаолият назарияси. Мутлақ эшитиш. Ҳар хил мусиқий оҳангларда товушларни идрок қилишнинг кетма-кетлиги. Ранг синестезиясини физикаси ва нутқ товушларининг фонологияси. Сўзларни идрок қилиш.

### 7-мавзу: Диққат ва хотира.

Диққатнинг бошқа психик ходиса ва жараёнлар билан таққослаш. Перцептив, интеллектуал ва ижро этувчи диққат. Диққатнинг мустақил фаолият эканлиги ёки бу бошқа психик фаолият учун ҳам хослиги. Диққатнинг ҳажми. Диққат ҳажмининг индивидуал хусусиятлари. Диққатнинг тўпланиши. Диққатнинг барқарорлиги. Диққатнинг тебраниши. Диққатнинг кўчиши ва тақсимланиши. Диққатни бўлинишини белгиловчи омиллар. Таъсирларга чидамлилигини баҳолаш усуллари. Хотира ҳақида умумий тушунча. Хотира – ўтмиш тажрибаларни эсга олиб қолиш, эсга сақлаш ва унутишдан ибора жараён сифатида. Хотира билан боғлиқ ҳодисалар. Феноменал хотира. Хотира ва ўрганиш. Диққат ва хотира. Хотира ва шахс. Асаб тизимида хотира изларини сақланиши. Қисқа ва узоқ муддатли хотираниг физиологик механизмлари. Хотирани таъминловчи мия тизимлари. Ихтиёрсиз, ихтиёрий хотира. Образли хотира.

### 8-мавзу: Нутқ ва тафаккур.

Тил ва нутқ фаолияти. Нутқий мулоқот. Онг ва тил муносабатлари. Лингвистик нисбийлик фарази, униг эмпирик тасдиғи. Нутқнинг турлари ва функциялари. Нутқий баён этишнинг вужудга келиши ва тушуниш муаммолари. Ички нутқнинг психофизиологик тадқиқ этиш. Нутқнинг пайдо бўлиши ва тушунишни чуқур (семантик) ва атрофлича (грамматик) структуралари.

Тафаккур билиш жараёнлари тизимида. Тафаккур ва онг. Тафаккур ва мулоқот. Тафаккур психологияси соҳасида ишларнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тафаккур турлари: кўргазмали-образли, кўргазмали-ҳаракат ва сўз-мантиқ тафаккурлари. Конкрет ва абстракт тафаккур (Гольдштейн бўйича). Эмпирик ва назарий тафаккур (В.В. Давидов бўйича). Амалий ва назарий тафаккурни қиёслаш. Продуктив ва репродуктив тафаккур. Ижодий ва танқидий тафаккур.

## 4-модул: ШАХСНИНГ ИНДИВИДУАЛ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

### 9-мавзу: Ҳиссиёт ва ирода.

Ҳиссиёт назариялари. Ҳиссиётлар эмоционал муносабатлар сифатида ва уларнинг бузилиши.Эмоция психик ҳолат ва жараёнлар сифатида. Инсон эмоционал ҳолатларининг умумий турлари. Кайфият, стресс ва саломатлик. нисбий барқарор ҳиссиёт ва уларнинг классификацияси. Иродани тадқиқ этишдаги ёндошувлар. Иродани аниқлаш. Иродавий жараёнлар босқичлари. Иродани анъанавий ва замонавий талқини. Шахснинг иродавий сифатлари,

уларнинг классификацияси. Иродавий сифатларнинг тузилиши. Шахснинг иродавий сифатларини ривожланиши.

### 10-мавзу: Темперемент, характер ва қобилият.

Темперамент ҳақида тушунча. Темперамент типлари ва уларнинг тавсифи. Психологияда характер муаммоси. Шахс ва характер. Характернинг тузилиши. Характерга турлича ёндошувлар. Қобилиятлар ҳақида тушунча. Умумий ва махсус қобилиятлар. Қобилият турлари. Педагогик қобилиятлар.

***Изоҳ:*** *Мавзуларни маъруза машғулотлари учун ажратилган соатлар ҳажмига мос ҳолда фойдаланиш тавсия этилади.*

## IV. Семинар машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан услубий кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини семинар машғулотлари орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

### Семинар машғулотлари учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Психология фанининг тарихи, ривожланиши, йўналишлари
2. Психология фанининг ривожланиши. Жонли ва жонсиз табиатда акс эттириш шакллари.
3. Психик акс эттириш. Онглилик ва онгсизлик.
4. Илмий психологиянинг ривожланиш тарихи.
5. Психология предмети ҳақидаги тасаввурлар ривожланишининг асосий босқичлари.
6. Психологиянинг йўналишлари.
7. Психологиянинг методлари. Кузатиш, суҳбат, инсон фаолияти маҳсулини таҳлил қилиш психологиянинг методлари сифатида.
8. Психология фанининг замонавий методологик асослари.
9. Шахсни ўрганишга турлича ёндашувлар.
10. З.Фрейд ғояларида шахс структураси.
11. Шахс психологияси, кўп қирралиги. Индивид, шахс, индивидуаллик.
12. Шахснинг турли фанлар нуқтаи назаридан ўрганилиши. Шахс муаммоси ва фаннинг методологик даражалари.
13. Шахсга нисбатан эволюцион тарихий ва тизимли ёндашув. Муҳит, шахс ривожланиши. Ҳаёт тарзи, инсоннинг индивидуал хусусиятлари, ҳамкорлик фаолияти-шахс ривожланишининг асослари.
14. Мотивацион эҳтиёж ва интеллектуал билиш соҳалар орасидаги қарама-қаршиликлар.
15. Ички ва ташқи мотивацияларнинг умумий тавсифи. Ички мотивациянинг таркиб топишида болаликнинг аҳамияти.

16. Мотивнинг ривожланиш босқичлари.
17. Сезишнинг физиологик механизмлари.
18. Сезги турлари. Эшитишнинг физиологик ва нейрофизиологик асослари.
19. Идрокнинг ассоциатив назарияси.
20. Нативизм ва эмпиризм.
21. Гештальт психологияда идрок.
22. Гибсоннинг идрок назарияси.
23. Хебнинг идрок назарияси.
24. Пиаженинг идрок назарияси.
25. Диққатнинг ва унинг турлари.
26. Диққатнинг хусусиятлари.
27. Хотира ҳақида умумий тушунча.
28. Онг ва тил муносабатлари.
29. Нутқнинг турлари.
30. Тафаккур билиш жараёнлари тизимида.
31. Тафаккур ва онг.
32. Эмоция психик ҳолат ва жараёнлар сифатида.
33. Ҳиссиёт назариялари.
34. Ҳиссиётлар эмоционал муносабатлар сифатида ва уларнинг бузилиши.
35. Темперамент типлари ва уларнинг тавсифи.
36. Психологияда характер муаммоси.
37. Шахс ва характер.
38. Қобилиятлар ҳақида тушунча.

***Изоҳ:*** *Мавзуларни семинар машғулотлари учун ажратилган соатлар ҳажмига мос ҳолда фойдаланиш тавсия этилади.*

## V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Умумий психология фанининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда мустақил ишлар қуйидаги шаклларда ташкил этилади: маъруза мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш; семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш, ўзлаштирилган билимларга таянган ҳолда муайян мавзулар юзасидан слайдлар тайёрлаш; тезис ва илмий мақолалар ёзиш; ўқув лойиҳалари, рефератлар. Жумладан, талабаларни мустақил иш методларига ўргатишда ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўз-ўзига баҳо бериш кўникмасини ҳосил қилиш; талабаларни келгуси ўқув ёки касбий фаолиятида зарур бўладиган ва ўрганиши муҳим бўлган мавзуни асосли намойиш қилиш; мустақил ишлашга ва педагогик масалаларни хал этиш кўникмаларини шакллантириш; аниқ вазиятларни таҳлили, мураккаб саволлар юзасидан мунозара каби ўқитишнинг фаол методларини қўллаш ва бошқалар.

### Мустақил ишлар учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Психика ҳақида умумий тушунча.
2. Кузатиш, суҳбат, инсон фаолияти маҳсулини таҳлил қилиш психологиянинг методлари сифатида.
3. Шахс ва унинг моҳияти.

4. Шахс ҳақида тушунча. Шахсни ўрганишга турлича ёндашувлар.

5. Индивид, шахс, индивидуаллик.

6. С.Холлнинг болани тараққиёт концепцияси: рекапитуляция қонуни, шахс камолотида фазалари.

7. Фаолият ва унинг тузилиши.

8. Фаолият тузилиши психологик хусусиятларини тадқиқ этиш.

9. Фаолият ривожланиши принципи.

10. Мотивацион эҳтиёж ва интеллектуал билиш соҳалар орасидаги қарама-каршиликлар.

11. Ички ва ташқи мотивацияларнинг умумий тавсифи.

12. Нутқий мулоқот.

13. Онг ва тил муносабатлари.

14. Нутқий баён этишнинг вужудга келиши ва тушуниши муаммолари.

15. Ички нутқнинг психофизиологик тадқиқ этиш (А.Н.Соколов).

16. Сезги ва идрок психик жараёнларнинг бошланғич ҳолати эканлиги

17. Сезиш образининг пайдо бўлиш фазалари. Образларни билиш ва қуришда информацион кўринишлар.

18. Сезишнинг физиологик механизмлари.

19. Идрок ва унинг турлари.

20. Диққатнинг бошқа психик ҳодиса ва жараёнлар билан таққослаш.

21. Перцептив, интеллектуал ва ижро этувчи диққат.

22. Диққатнинг психик ўрни ҳақидаги баҳслар ва унинг табиати.

23. Хотира – ўтмиш тажрибаларни эсга олиб қолиш, эсга сақлаш ва унутишдан ибора жараён сифатида.

24. Хотира билан боғлиқ ҳодисалар. Феноменал хотира.

25. Хотирани таъминловчи мия тизимлари. Ихтиёрсиз, ихтиёрий хотира. Образли хотира.

26. Тафаккур ва онг. Тафаккур ва мулоқот.

27. Тафаккур психологияси соҳасида ишларнинг назарий ва амалий аҳамияти.

28. Ирода тушунчасининг ривожланиш тарихи. Иродани тадқиқ этишдаги ёндошувлар.

29. Иродани анъанавий ва замонавий талқини. .

30. Шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари.

***Изоҳ:*** *Мавзуларни мустақил таълим учун ажратилган соатлар ҳажмига мос ҳолда фойдаланиш тавсия этилади.*

## VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

### Асосий адабиётлар:


1. Д.Майерс. Психология. Нью-Йорк, 2006. – 916 б.
2. Б. Крайг, Д.Бокум. Психология развития. Нью-Йорк, 2012.
3. Ғозиева Э.Ғ. Умумий психология. Т., Ўқитувчи 2010 й.
4. Ғозиева Э.Ғ. Онтогенез психологияси. - .: Ўқитувчи 2010 й.
5. Иванов П.И., Зуфарова М.Е. “Умумий психология” Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2008. -480б.

## Қўшимча адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларни таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси констутцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маърoсимидаги маърузаси// Т.-"Ўзбекистон".- 2017 й.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси. Т. Ўзбекистон. 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, "Ўзбекистон". – 2016. 56 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз..Тошкент., "Ўзбекистон" 2017. – 488 ь.
5. Абрамова М. Практическая психология М.: Мысль. 2003. -480с.
6. Маклаков А.Г. Общая психология. – СПб.: Питер, 2003. -582с.
7. Махсудова М.А. Мулоқот психологияси. -Т. Янги аср авлоди, 2006. -204б.
8. Немов Р.С. Психология. М.: Владос, 2003. 1-т. -240с.
9. Психология. Под ред. Е.И.Рогова. – М.: Владос, 2005. -584с.
10. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб.: Питер, 2007. -848с

## Интернет сайтлари:

1. www. ziyonet.uz
2. www.tdpu.uz
3. www.pedagog.uz
4. www.psychology.uz
5. www.nutq.intal.uz
6. www.psychology.net.ru